O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 21 январь, №18 (3130) Сешанба


*Агросаноат:*

## ЙИЛ САРҲИСОБИ

*Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат мажмуининг 2002 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, компания, корпорация ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.*

Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов бошқарган йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи — агросаноат тизими корхоналарида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида изчиллик билан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бераётгани таъкидланди.

Ҳисобот даврида барча тизимда ўтган йилга нисбатан ялпи маҳсулот 6,1 фоиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 5,1 фоиз ўсишига эришилди. Бошоқли дон экинларини етиштириш ҳажми кўзда тутилганига нисбатан 110,3 фоизни, 2001 йилга нисбатан эса 138 фоизни ташкил этди. Пахтачиликда кўзланган ҳосил олинмаган бўлса-да, терилган "оқ олтин"нинг асосий қисми юқори кўрсаткичларга топширилди.

Агросаноат мажмуига қарашли қўшма корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 33,5 фоиз ортди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари билан хизмат кўрсатувчи ва тайёрловчи ташкилотлар ўртасидаги ҳамда хўжаликлардаги ички шартномаларни тузиш анча такомиллашди. Машина-трактор парклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2001 йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўп хизмат кўрсатилди.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш мақсадида хўжалик ички суғориш тизимларида белгиланган 140 мингдан ортиқ гидропостдан 66,3 мингтаси қурилди. Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилиши устидан доимий мониторинг йўлга қўйилди, ер ва сув тўғрисидаги қонунларни бузиш ҳоллари камайди.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини талаб даражасида деб бўлмайди. Бир қанча тармоқ ва корхоналарда молиявий аҳвол ҳамон яхшиланмаяпти. Жумладан, "Ўзагромашсервис" ва "Ўзпахтасаноат" уюшмасида маҳсулот экспорт қилиш кўрсаткичлари бажарилмасдан қолди. Акция ресурсларини сотиш "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзагромашсервис" уюшмасида сусткашлик билан олиб борилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бўйича дебиторлик қарзлари ўтган йилга нисбатан 5,7 фоиз камайган бўлса-да, кредиторлик қарзлари 12 фоиз ошди. Юқори унумли техникага "ЎзКейсСервис" қўшма корхонаси томонидан кўрсатилган сервис хизматларининг нархи пасаймаяпти. Натижада, тўловлар сусткашлик билан амалга оширилмоқда, кузги-қишки дала ишларида мавжуд 1 минг 955 та "Магнум" тракторидан 220 таси умуман қатнашмади.

Мамлакатимизда деҳқон ва фермер хўжаликларининг сони йилдан-йилга ортаётган бўлса-да, уларга консалтинг хизмати кўрсатиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда малакасини ошириш борасидаги масалаларни ечиш Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбариятининг эътиборидан четда қолмоқда. Ҳисобот даврида Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига атиги 1,2 фоиз миқдорида маблағ туширилган, қишлоқ тадбиркорларининг фаолиятини ривожлантиришга деярли амалий ёрдам кўрсатилмаган.

Йиғилишда мавжуд муаммо ва йўл қўйилган хато-камчиликларни тезда бартараф этиш, соҳа самарадорлигини мунтазам равишда ошириб бориш билан боғлиқ бошқа айрим масалалар ҳам муҳокама этилди. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, барқарор ўсишни таъминлаш борасида тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## КАДРЛАР ЎҚУВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари, агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ўн кунлик семинар-мунозара машғулотлари давом этмоқда.

Бу йилги семинар ўтган йиллардагидан ўзининг амалий машғулотларга бойлиги билан ажралиб туради. Ана шундай машғулотлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машиналари ва технологияларини синаш ва сертификатлаш маркази, республика Товар-хомашё биржаси ва республика Биржа-аукцион маркази, пойтахтимиздаги бир неча маҳаллаларида ташкил этилди.

Тингловчиларнинг навбатдаги машғулоти Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Бўстонлиқ туманида бунёд этилган "Чорвоқ" дам олиш масканида бўлиб ўтди. Чотқол-Угом тоғ тизмалари этагида, Чорвоқ сув омбори соҳилида жойлашган ушбу маскан ўзининг баҳаволиги, хушманзаралиги, юксак маҳорат билан барпо этилган меҳмонхоналарнинг шинам ва кўркамлиги, дам олувчиларга яратиб берилган қулайликлар — спорт майдончалари, болалар ва катталар учун мўлжалланган ёзги чўмилиш ҳавзалари, ресторан, бар, ижара майдончалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**



## Мўътабар касб соҳибаси

*Буюк мутафаккир шоир Абдураҳмон Жомий шундай ёзган эди:*

***Устод, муаллимсиз***
***қолганда замон,***
***Нодонликдан қора***
***бўлурди жаҳон.***

*Дунёда ҳар қайси касбнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти, қадр-қиммати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси бу ўқитувчиликдир. Иродахон бу касбни улуғлаб кам бўлмади. Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган анъанавий «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловининг машаққатли синовларидан ўтиб, 2002 йилнинг энг яхши ўқитувчиси, деб топилди. Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабнинг бошланғич синфида ёшларга таълим-тарбия бераётган Иродахон Ҳамидовага, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» унвони ҳам берилгани унинг учун қўш байрам бўлди.*

*— Очиғи, танлов ғолиби бўламан, деб ўйламагандим, лекин жуда-жуда истагандим, тайёрлангандим, — дейди Иродахон. — Шундай танловлар биз, ёш ўқитувчиларга нечоғли рағбат бўлишини ҳис қиляпман. Қувончим чексиз. Бундай дақиқалар ҳамкасбларимга ҳам насиб этишини истайман.*

*Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўқитувчилик — олижаноб, мўътабар касб.*

**СУРАТДА: Иродахон Ҳамидова.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## Самарали ҳамкорлик истиқболлари

Фан ва таълим-тарбия барча замонларда ҳам жамият тараққиётининг муҳим бўғини ҳисобланади. Мустақилликка эришгач, бизнинг мамлакатимизда ҳам бу соҳада самарали ишлар қилинди. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистоннинг миллий хусусиятлари, имкониятлари ва шарт-шароитлари ҳисобга олиниб, ишлаб чиқилган ушбу дастурнинг Кадрлар тайёрлашнинг «ўзбекона модели» сифатида бутун дунё томонидан тан олиниши биз учун катта ғурур ва шарафдир.

Мен Париж университетларида бўлган илмий-амалий сафарларим давомида Ўзбекистоннинг таълим соҳасида олиб бораётган ислоҳотларига ва шу хайрли ишларнинг ижодкори муҳтарам Президентимизга Франция жамоатчилигининг нақадар катта қизиқиш билан қараётганлигига гувоҳ бўлдим.

Бизнинг бой ва бетакрор маданиятимизга бўлган чуқур ҳурмат халқларимизни бир-бирига яқинлаштирмоқда.

Аслида Франция — Ўзбекистон халқлари муносабатлари Европанинг халоскори деб ном олган соҳибқирон Амир Темур фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. ЮНЕСКО қароргоҳида бўлиб ўтган Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантаналарида Президент Ислом Каримов бу ҳақда тўхталиб: «Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин» — деган эди.

Бевосита Париж — Бухоро муносабатларига тўхталадиган бўлсак, улар дунёнинг икки қитъасидаги довруғи оламга ёйилган машҳур шаҳарлар ҳисобланади. Шуҳрати етти иқлимга кетган Бухоро Осиёнинг муқаддас шариф шаҳри ҳисобланса, Париж бутун Европа пойтахти ва Европа цивилизациясининг ўчоғи сифатида танилган.

Машҳур публицист, халқаро шарҳловчи Эрнст Генри «Бухородан мактублар» номли асарида бу икки шаҳарни қуйидагича таққослаган: «Париж Европада қандай обрў-эътиборга сазовор бўлса, Бухоронинг мусулмон оламида мавқеи ва нуфузи ундан ҳам баланддир».

Париж ва Бухоронинг ўтмишида ўзига хос муштараклик бор. Бу ҳол иккала шаҳарнинг сиёсий ва маданий ҳаёт марказида турганлиги, ҳар бирининг ўз мамлакатида, минтақада, қолаверса, қитъасида халқларга кўрсатган таъсир даражаси билан белгиланади. Ана шу маънода олганда Президентимизнинг «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзусига бағишлаб Парижда ўтказилган маросимда сўзлаган нутқида таъкидланганидек, «XIV асрдаги бу буюк шахс шарафига тантаналар Парижда — Европанинг қоқ марказида, тарихнинг ўзи яққол кўриниб турган, маърифат, илм-фан, санъат, абадий гўзаллик шаҳрида бошланаётганлиги чуқур рамзий маънога эга».

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Бухоро ва Париж университетларининг ҳамкорлиги тасодифий бўлмай, балки ўзининг чуқур маънавий, маданий, илмий ва тарихий илдизларига эга.

(Давоми 2-бетда).

### Сўнгги хабарлар

#### *Ҳам ҳунар, ҳам спорт...*

**Нукусда "Баркамол авлод" спорт мусобақалари давом этмоқда. Шахмат ва шашка бўйича ўтказилган биринчиликда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли 15 та команда иштирок этди. "Ақл гимнастикаси" бўйича биринчи ўрин Нукус педагогика коллежи, иккинчи ўрин Нукус педагогика институти ҳузуридаги академик лицей, учинчи ўрин эса Нукус транспорт коллежи жамоасига насиб этди.**

**Стол тенниси бўйича Нукус педагогика коллежи жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.**

**Я. ҚЎЧҚОРОВ.**

#### *Зоя Кимга фарангларнинг таҳсини*

**Самарқанд вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси Зоя Ким таълим, санъат ва адабиёт соҳасидаги алоҳида хизматлари учун Францияда бериладиган "Пальма шохаси" мукофотига сазовор бўлди.**

**Французларнинг миллий мукофоти ҳисобланган ушбу соврин муаллимага француз тили, адабиёти ва маданиятининг беназир тарғиботчиси сифатида берилди.**

**А. САТТОРОВ.**

#### *Енгил саноатга сармоялар*

**Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантириш концепциясига кўра, 2005 йилгача бўлган даврда 6 та лойиҳани амалга ошириш учун 45,05 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестициясини ўзлаштириш бошланди. Унга кўра, тугалланмай қолган Қўқон тўқимачилик корхонаси базасида пахта калаваси ва "хаки" газламасини ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қурилади. Шунингдек, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида ҳам қўшма корхоналар ташкил этиш режалаштирилган.**

**Концепция тўла рўёбга чиқса, бу пахта толасини қайта ишлаш ҳажмини республика бўйича 24 фоиздан 50 фоизга кўпайтириш имконини яратади. Йиллик экспорт ҳажми эса 650 миллион доллардан ошади.**

**"Туркистон-пресс"**

#### *«Тулпор»лар йўлга чиқди*

**"Отайўл" автобуслари билан йўловчилар узоғини яқин қилиб, кўпчилик ҳурматини қозонган Андижондаги "АндОр" қўшма корхонаси жамоаси яна бир хайрли иш бошлади. "Асакабанк"нинг "Фарҳод" бўлимидан 150 миллион сўм кредит олиб, ана шу маблағ ҳисобидан 22 та "Дамас" ва "Тико" харид қилди. Бинобарин, аҳолига транспорт хизмати янада яхшиланишидан ташқари, 34 киши доимий иш билан таъминланди.**

**Йилни 64 миллион сўмлик даромад билан якунлаган жамоа вилоятнинг турли қишлоқларини Андижон шаҳри билан боғловчи йўналишларни ҳам очди.**

**О. ШОДМОНАЛИЕВ.**

#### *Янги видеофильм*

**"Ўзбектелефильм" студияси, "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик компанияси ва "Актёр" студияси ҳамкорлигида "Тақдир йўлларида" деб номланувчи икки қисмли телевизион видеофильм суратга олинди. Ёзувчи Э. Усмонов ва кинорежиссёр Ю. Розиқов сценарийси асосида яратилган ушбу фильмда бир инсон тақдири орқали ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан то мустақиллик давригача бўлган воқеалар ҳикоя қилинади. Асосий ролларни пойтахтимиз ва Фарғона вилояти театрлари артистлари ижро этишган.**

**М. ТОЖИЕВА.**

"Халқ сўзи" назоратида

## МУЗЛАГАН ЎЧОҚЛАР ЭНДИ ИСИРМИКИН?


Музлаган ўчоқлар

***"... Туманнинг "Жарқўрғон", "Шарқ юлдузи" хўжаликлари ҳудудидаги 2000 тача хонадонда газ қувури, газ ўчоқлари бору газнинг ўзи йўқ. Мутахассисларнинг айтишларича, агар гази ёниб турган хонадонларга газ ўлчагич асбоблари ўрнатиб чиқилса, тежалган ёқилғи ҳисобига ўша 2000 хонадоннинг газ ўчоқлари ҳам қизиб қолар экан..."***

Газетамизнинг ўтган йилги 25 октябрь сонида чоп этилган "Музлаган ўчоқлар" сарлавҳали танқидий мақола ана шундай сатрлар билан бошланганди. Унда республика Вазирлар Маҳкамасининг "Уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори Жарқўрғон туманида суст бажарилаётгани, оқибатда ўзаро ҳисоб-китоб чоғи таъминотчилар билан истеъмолчилар ўртасида турли хил келишмовчиликлар авж олаётгани хусусида сўз юритилганди. Шу муносабат билан яқинда "Сурхондарёгазтаъминот" шўъба корхонаси директори И.ЮСУПОВдан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича, мақолада кўрсатилган камчиликлар шўъба корхонаси мутахассисларидан иборат гуруҳ томонидан атрофлича ўрганилган. Пировардида туман газ таъминоти идораси ҳукумат қарорига қатъий амал қилмаётгани, шунингдек, газ ҳисоблагичларни ўрнатиш ишларини вилоят газлаштириш корхонаси белгилаган режа ва жадвал асосида олиб бормаётгани тасдиқланган. Хато ва камчиликларга йўл қўйгани учун "Жарқўрғонгазтаъминот" мутасаддиларига нисбатан интизомий чоралар кўрилган. Жумладан, филиал бошлиғи Баҳодир Боймуродов, бош муҳандис Имомназар Мустафоқулов, бош ҳисобчи Бекмурод Жўраевларга хайфсан эълон қилинган. Етакчи мутахассис Қувондиқ Сайилхонов эса ишлаб турган вазифасидан бўшатилган.

# Миллатга қарши иқтисодий хуруж

8-сонли «Фарғона» божхона маскани Фарғона вилоятининг жанубий туманларини Қирғизистон Республикасининг Боткен вилояти билан боғлаб туради. Унинг шундоққина ёнида Фарғона туманининг маркази Водил қишлоғи, иккинчи биқинида эса Қадамжой туманининг маркази Қадамжой шаҳарчаси жойлашган. Шоҳимардонсой қирғоғидаги бу икки гўшанинг оралиғи, таъбир жоиз бўлса, овоз етгулик масофа билан ўлчанади.

Ҳожатманд одамлар, машиналар у ёқдан-бу ёққа бемалол ўтиб турибди. Тўғри, улар белгиланган тартиб бўйича назоратдан ўтказилаяпти, сўнгра чегарачилар ҳамда божхона ходимлари томонидан иззат-икром билан кузатиб қўйилаяпти.

— Биз Қирғизистоннинг Боткен туманига қарашли Халмиён қишлоғида истиқомат қиламиз, — дейди Қаноатхон ва Салоҳиддин Юсуповлар. — Аммо Қадамжой шаҳарчасида ишлаймиз. Шу боис ҳар куни «Фарғона» пости орқали ўтишимизга тўғри келади. Лекин ҳеч ким бизга тўсқинлик қилаётгани йўқ: транзит йўловчи сифатида эрталаб ишхонага, кечқурун эса хонадонимизга бемалол бориб келаяпмиз. Бундан ташқари, рухсат этилган машиналар, транзит юклар, йўловчиларнинг икки томонга ўтишларига ҳам монелик кўрсатилмаяпти.

— Жамоамиз илгаригидек бир маромда ишламоқда, — дейди божхона маскани бошлиғи вазифасини бажарувчи Фарруҳ Кимёназаров. — Биз мувaққат жамоатчилик назорати пости аъзолари билан биргаликда фаолият юритаяпмиз.

Чегара — Ватан остонаси. Шарқ халқларида, шу жумладан, ўзбекларда ҳам азал-азалдан остона — муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Ундан ўтишнинг қонун-қоидалари ҳам қадим-қадимдан мавжуд бўлган. Хусусан, уй соҳибидан изн сўрамай, хонадон остонасини ҳатлаганлар изза қилиниб, ҳайдаб юборилган. Рухсатсиз олиб кирилган нарсалардан эса луқмаи ҳаром сифатида ҳазар қилинган.

Чегара-чи? У фақат ташқи

### Контрабандага йўл йўқ

душманларга қалқон бўлмай, аҳолини ҳаром моллар, сифатсиз озиқ-овқатлардан ҳимоя қилувчи манзил ҳам саналади. Айтайлик, Сиз Германияга сафарга бораяпсиз. Ўзингиз билан бирга қази ҳам олиб олгансиз. Аммо уни чегарада олиб қўйишади. Негаки қази сизга қанчалик тоза луқма бўлмасин, сертификати йўқ эмасми, хорижликлар учун сифатсиз маҳсулот ҳисобланади. Бундан эса давлат аҳолисини ҳимоя қилади. Афсуски, ҳозирги кунда хуфиёна йўллар билан, яъни диверсия усулида сифатсиз маҳсулотларни сарҳадларимиздан мамлакатимиз ичкарисига олиб кираётганлар буни тушунмаяпти, устига устак, уларнинг аксарият қисми ўз юртдошларимиз эканлиги ачинарлидир.

Келинг, мисолларга мурожаат этайлик. Ўзини Марғилон шаҳрилик «тадбиркор» деб таништирган Ҳабибулло Қурбонов Боткен тумнидаги Халмиён қишлоғи орқали айланма йўллардан Марғилон бозорига бир миллион беш юз минг сўмлик турли хил кийим-кечаклар, пойабзалларни олиб ўтишга ҳаракат қилаётганда тумшуғидан илинди. Ҳатто савдо қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга ҳам эга бўлмаган бу кимса мазкур молларни қаердан сотиб олганлигини ҳам тузукроқ тушунтириб бера олмади. Агар у божхона қонун-қоидаларига риоя қилиб, олди-сотди ҳужжатларини рисоладагидек тўлдириб олганида, ким тўсқинлик қиларди? Уни фақат юлғичлик ва очкўзлик ўз комига тортди. Божхона тўловларидан қочмоқчи бўлганлиги учун ҳам бутун бошли мол-мулкидан ажралди.

Ёки Маҳамадали Мадумаров ва Мўминжон Ҳомидовлар «КамАЗ»га ортилган 12 бош отни чегарамиздан олиб ўтаётганларида «Фарғона» божхона маскани сайёр назоратчилари томонидан ушлаб қолинди. Суд ҳукмига кўра, 12 бош от, шунингдек, фуқаро Х.Файзиевга қарашли давлат белгиси «У 63 55 ТШ» бўлган «КамАЗ» русумли автомашина ҳам жиноий ашё сифатида давлат ҳисобига мусодара қилинди.

— Бундай далилларни яна келтириш мумкин, — сўзида давом этади Фарруҳ Кимёназаров. — Чунки шу йилнинг дастлабки икки ҳафтаси мобайнида бизнинг постимизда Хитойда ишлаб чиқарилган сифатсиз кондитер маҳсулотлари, Россияда тайёрланган кир ювиш кукунлари, 3 тоннага яқин омихта ем, 10 миллион сўмлик атторлик моллари ушлаб қолинди. Энди бир тасаввур қилинг: ўша ширинликни истеъмол қилган киши касал бўлса, омихта ем билан боқилган наввос ҳаром ўлса, упа-эликни ишлатган аёл аллергияга учраса, бу кони зарар эмасми? Бу нафақат кони зарар, турган-битгани офат! Бу аслида миллатга қарши иқтисодий хуруждир!

Ана шу кўнгилсиз воқеалар беихтиёр кишини мулоҳаза юритишга чорлайди. Аввало, шуни яна такрорлаб айтиш керакки, чегарада ушлаб қолинган товарлар асосан Хитойда ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми сифатсиз, ҳатто одамлар саломатлиги учун хавфлидир. Чунки сертификати йўқ, қайси корхонада ишлаб чиқарилгани ҳам номаълум. Шундай бўлишига қарамасдан, улар «сохта тадбиркорлар»нинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари орқали, контрабанда йўли билан юртимиз бозорларига кириб келмоқда. Бу, табиийки, иқтисодиётимизга моддий зарар етказаяпти.

Шу боис ҳукуматимиз ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдириш юзасидан муайян тадбирларни амалга оширмоқда. Айни чоғда жойларда истеъмолчилар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқ чоралар кўрилаяпти. Бу ишда нафақат назорат органлари ходимлари, балки ҳаммамиз жонкуярлик қилмоғимиз керак. Шунда бозорларимизни сифатсиз, сертификатсиз, қайси корхонада ишлаб чиқарилганининг тайини йўқ маҳсулотлар эгаллашининг олдини оламиз. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

**Н. СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Самарали ҳамкорлик истиқболлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

2002-2003 ўқув йилида 10 факультет, 35 тадан ортиқ йўналишга эга бўлган 55 кафедраларни бирлаштирган университетимиз кундузги ва сиртқи бўлимларида 6 мингга яқин талаба таҳсил олмоқда. Университет кафедраларида фаолият кўрсатаётган ўттизта фан доктори, профессорлар, икки юзга яқин фан номзоди, доцентлар ўқув-тарбия жараёни билан бирга фаннинг турли соҳаларига доир жиддий илмий тадқиқотлар олиб бораётир. Олимларимиз изланишларининг натижалари жаҳон, республика журнал ва илмий тўпламларида доимий равишда чоп этиляпти. Университетимизнинг илмий ва педагогик салоҳиятини оширишда ривожланган хорижий давлатларнинг ўқув-илмий марказлари билан ўрнатилган ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, АҚШнинг информацион хизмати ACCELS, IREX, Евроосиё, Тинчлик корпуси, Британия Кенгаши, Франция элчихонаси, Француз тили ўқитувчилари алянси, Германия элчихонаси, Германиянинг Гёте институти, DAAD, Миср элчихонасининг маданият маркази, Сорос жамғармасининг Ўзбекистон—очиқ жамияти институти, АҚШнинг Мэриленд, Италиянинг Тренто ва бошқа чет эл университетлари билан ҳамкорлик муносабатларини эслаш мумкин. Ҳамкорлик ришталари, айниқса, қадимги Франция олий ўқув юртлари билан кенгайиб бормоқда.

Дастлаб Франс Мендес номли Гренобль ва Сент-Этьен университетлари билан бошланган муносабатлар ривожланиб, кенгайиб борди. Университетимиз профессор-ўқитувчиларидан 28 киши TEMPUS дастури асосида илмий стажеровка ва малака ошириш курсларида бўлиб қайтдилар. Ўқиш жараёнида турли халқаро дастурларда иштирок этиб, нуфузли грантларга эга бўлдилар. Соҳа ва йўналишларга доир шартномага кўра, Франция университетлари олимлари иқтисод, социология, экология ва археология фанлари бўйича қизиқарли маърузалар ўқиди.

Маълумки, Франция жаҳонда туризм энг тараққий қилган давлатлар сирасига киради. Бухоро ҳам қадимий, бетакрор, нодир обидалари, меъморчилик санъати билан хорижий сайёҳларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Ана шуни инобатга олиб, TEMPUS дастури бўйича Париж-Сорбонна ва Париж-Сюд ҳамда Гренобль университетлари олимлари билан ҳамкорликда «Буюк Ипак йўли ўтадиган ҳудудларда туризмнинг ривожланиш истиқболлари» мавзуида лойиҳа тайёрланди.

Дастурнинг асосий мақсади Буюк Ипак йўли давлатлари ўртасида сайёҳлик муносабатларини йўлга қўйишдан иборат.

Париж-Сорбонна университети ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу ўқув даргоҳи Франциянинг фахри ҳисобланади.

Биргина далил билан унинг нуфузини, илмий салоҳиятини белгиламоқчи бўлсак, унда Франция ва дунёнинг турли давлатларидан келган 26 мингга яқин толиби илмлар таҳсил олади. Уларнинг 20 мингга яқини бакалавр, 5 мингга яқини магистр ва 400 дан ошиқроғи фаннинг турли соҳаларига доир илмий тадқиқотлар билан банд бўлган докторантлардир. Университетнинг 7 ярим минг профессор-ўқитувчилари таълим-тарбия жараёни билан машғул.

1998 йилдан бошлаб университетни профессор Жорж Молиньe бошқариб келади. У айни пайтда 400 мингга яқин талабани ўз бағрига олган ўн етти Париж университети ректорлари Кенгашининг раиси ҳамдир. 1253 йилда Роберт де Сорбон томонидан асос солинган мазкур университет Парижнинг эътимодли олий ўқув юртларидан бўлиб, Англиянинг энг қадимги Кембриж университети билан тенг туради. Бу олий даргоҳда француз адабиёти, тарих, география, философия, санъат тарихи ва археология, ахборот фанлари ва коммуникация, мусиқа ва мусиқашунослик, француз, лотин, грек, италян, немис, инглиз тиллари каби 20 дан зиёд факультетлар фаолият кўрсатаётир. Юқорида тилга олинганлардан ташқари университет ҳузурида ҳозирги Ғарб цивилизациясини ўрганиш илмий-тадқиқот институти, диншунослик, жисмоний маданият ва спорт институтлари мавжуд. Сорбонна университети юқорида келтирилган ихтисослар бўйича бакалавр, магистр ва докторлик дипломларини бериш ҳуқуқига эга.

Париж-Сюд университети Сорбонна университетига нисбатан анча ёш бўлишига қарамай (1970 йилда иш бошлаган), унда ҳозир 26 минг талаба таълим олмоқда. Мазкур университетда дунёнинг 110 давлатидан уч мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Эътиборли жойи шундаки, Париж-Сюд университетида бир йилда ўртача 550 та илмий иш ҳимоя қилинади. Университетда иқтисод, ҳуқуқ, тиббиёт, доришунослик, физика, электроника, геофизика, математика, кимё, биология, косметология ва ҳоказо йўналиш бўйича талабаларга таълим берилади.

Париж ва Бухоро давлат университетлари ўртасида таълим, илм-фан ва маданият тараққиётини назарда тутиб имзоланган шартномалар ўз самарасини бера бошлади. Бугунги кунда университетимизнинг илмий ходимлари Парижнинг нуфузли олий ўқув юртларида докторантура, аспирантура, магистратура таҳсилини ўтамоқда. Шунингдек, университетимизда Париж-Сорбонна ва Париж-Сюд университетларининг ўқув методик маркази иш бошлаш арафасида. Келажакда университетлараро тажриба алмашиш, ҳамкорликдаги илмий фаолиятни йўлга қўйиш, Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчиларининг Парижда ва Франция университетлари мутахассисларининг Бухорода маъруза ҳамда амалий машғулотлар ўтказишларини таъминлаш, масофадан туриб ўқитиш каби соҳаларга доир режалари белгиланган.

Хуллас, мустақиллик шарофати билан аждодларимизнинг армони бўлиб келган эзгу ниятларнинг тўла рўёбга чиқиши учун мамлакатимизда барча моддий ва маънавий шарт-шароитлар ҳозирланган. Янгиланаётган таълим тизими чин маънода истиқлол неъматидир.

**К. МУҚИМОВ,**
**Бухоро давлат университети ректори, ЎзР ФА академиги.**

---

Семинар

*Яқинда Тошкент Ахборот технологиялари университетида олий таълим муассасаларининг талабалари ўртасида "Компьютерда дастурлаш" бўйича жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ҳамда ахборот технологияларини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинар мавзуи "Ахборот технологиялари соҳасида янги ташаббуслар — 2003" деб аталади.*

## Компьютер дастурчилари чемпионати олдидан

Маълумки, жаҳон чемпионати уч босқичда — чорак финал, ярим финал ва финал мусобақаларидан иборат. Чемпионатда жаҳоннинг 70 мамлакатидан 2 мингдан ортиқ командалар иштирок этишини ҳисобга олсак, унинг нуфузи ғоятда юқорилигига амин бўламиз. Ҳозиргача Марказий Осиё минтақасидан Веб-саҳифасида рўйхатга олинган командалар орасида мамлакатимизнинг 33 та командаси бор. Бу эса Ўзбекистонда компьютер хизматлари учун малакали кадрлар тайёрлашга ва миллий компьютер дастурчилар мактабини шакллантиришга алоҳида эътибор берилаётганлигини кўрсатади.

Семинарда республика олий ўқув юртлари ўқитувчилари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, "Устоз", "Улуғбек" жамғармалари вакиллари ва етакчи олимлар қатнашдилар.

**Муфтилло ЮСУПОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

---

## Ўзбек либослари Швейцарияда

Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида давлатимиз элчихонаси ва Ўзбекистон Республикасининг мазкур шаҳардаги Савдо кўргазмалар маркази томонидан ташкиллаштирилган мамлакатимизнинг етакчи модельерлари томонидан яратилган либослар намойиши бўлиб ўтди.

Асл миллий руҳда безатилган Савдо кўргазмалар маркази шу куни ўзбек либослари, унинг анъана ва манбалари, ҳозирги замон ривожланиши ва йўналишларига катта қизиқиш билдирган меҳмонлар билан гавжум бўлди.

Кўргазмадан жой олган ҳар бир экспонат халқимизнинг бой маданиятга эгалигини акс эттирди. Хусусан, турли рангдаги газлама ва кийимлар, либос ҳамда халқ амалий санъати буюмлари ўзининг гўзаллиги, бетакрорлиги, чуқур ички мазмуни, латофати билан бу ерга ташриф буюрган — Швейцария жамоатчилиги вакиллари диққат-эътиборини ўзига жалб этди.

Тадбир модельер Т.Воликовнинг шарқона ва ҳозирги замон услубларини ўзида мужассам этган замонавий кийимларининг намойиши билан бошланди. Муаллифнинг ўзбек хонатласини бошқа миллий газлама ва матолар билан уйғунлаштириши уларга янада бетакрорлик бахш этган.

Сўнгра Ўзбекистонда етакчи модельерлардан бири — Лола Бабаева яратган кийимлар намойиш этилди.

Хоразм йўналишидаги кийим-кечаклар, минтақамиз халқлари келинларининг момиқдек оппоқ шойидан тикилган либослари, адрас ва беқасам газламаларидан тикилган либослари тадбирда ҳозир бўлганларга ўзбек либосларининг тарихи ва анъаналари, унинг ривожланиши ва жаҳон модасига фаол кириб бориш жараёни билан яқиндан танишиш имконини берди.

**А.АКБАРОВ, «Жаҳон» АА, Альтендорф.**

---

## Ширкатчиларнинг кўнгли тўқ

— Охунбобоев номли ширкат хўжалиги пахтакорлари ўтган йили ҳам пахта тайёрлаш шартномавий режасини туманда биринчи бўлиб бажардилар, — деди Пастдарғом тумани ҳокими Абдумўмин Жўраев. — Муҳими, улар ҳосилнинг асосий қисмини биринчи навга сотдилар. Бу жамоанинг ғаллакорлари меҳнатидан ҳам хурсандмиз,

Шу гап баҳона мазкур хўжаликда бўлдик. Бошқарув раиси Эргаш Наврўзовни идорада эмас, гаражда топдик.

— Техникани тезроқ созламасак бўлмайди, — деди у салом-аликдан сўнг. — Чунки бултур деҳқончиликда нимагаки эришган бўлсак, бари шу техника туфайли бўлди. 3 та дизель, 7 та чопиқ ва 12 та ҳайдов трактори, шунингдек, яна 9 та бошқа турдаги трактор ва 7 та автомашинамиз бор. Шу сабаб туман машина-трактор парки хизматидан фойдаланмаймиз. Уларга тўланадиган ҳақ ширкатчиларга қолса, яна қанча тракторчию шофёр иш билан таъминланса ёмонми?

Шундан кейин раис пахтачилик ва ғаллачиликдаги харажату даромад, зарару фойдани тилга олди.

— Бултур 189 гектар майдонга, биласизми, ҳатто тўрт мартагача чигит экдик. Баҳорда жалаю ёмғир кўп бўлди-да. Аммо уддабурро, деҳқончиликни яхши биладиган деҳқонларимиз бўш келишмади. Машаққатли меҳнатнинг натижаси кузга келиб кўринди. Қабул пунктларига 403 тонна ўрнига 700 тоннадан ортиқ пахта топширилди. Режа 161 фоиз уддаланди. 112 фоиз, яъни 518 тонна «оқ олтин» биринчи навга сотилди. Муҳими, ана шу ҳосилнинг ҳар тоннасига 145 минг 740 сўмдан ҳақ тўланди. Натижада биргина пахтачиликнинг ўзидан 40 миллион сўм соф фойда олдик.




Хўжаликда 189 та оилавий пудратчи пахта етиштиради. Улардан бири — Латиф Қодиров. 25 яшар бу йигит 2002 йилда ҳосилдорликни 49 центнерга етказибди.

— Шунга яраша Латиф мўмайгина даромадга эга бўлди, — дейди раис. — Яқинда уйланмоқчи. Тўйда биз ҳам қараб турмаймиз, унга мадад бўламиз.

Муҳаммади Абдураҳимов, Гулчеҳра Қурбонова, Норсулув Эрназарова, Алимардон Жабборов, Одил Жабборов сингари оилавий пудратчилар ҳам ўтган йили ҳар гектар ердан 40-45 центнер пахта йиғиштириб олибди.

Ғаллачиликдаги аҳвол билан қизиқамиз. Маълум бўлишича, ғаллакорлар 225 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан сара дон саранжомлабди. Якунда эса соф фойда 18 миллион сўмдан ошиб кетибди.

Бундай натижалардан, албатта, ширкатчиларнинг кўнгли тўқ. Уларга иш ҳақидан ташқари 11 тонна пахта ёғи, 50 тонна кунжара ва шелуха, 176 тонна буғдой тарқатилди.

Айни кунларда хўжалик деҳқонлари экиш-тикиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Негаки, улар жорий йилда бултургидан кўпроқ пахта ва ғалла етиштиришга аҳд қилишган. Бу ният, албатта, ушалишига ишонамиз.

**Ўз мухбиримиз.**



*Учқўрғон туманидаги «Учқўрғон» ширкат хўжалиги деҳқонлари ерга яхоб суви бериш, ариқ-зовурларни тозалаш, далаларга маҳаллий ўғит ва чиқиндиларни чиқариш, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашни шу куннинг энг муҳим юмушлари деб билишади. Шу боис ҳозир бундай ишлар қизғин паллага кирган. Шу йўл билан хўжалик аъзолари келгуси ҳосилга пухта замин яратишмоқда. Улар мазкур йилда пахтачиликда ҳосилдорликни 35 центнер, ғаллачиликда эса 50 центнерга етказишни мўлжаллашган.*

**Суратда: қишки юмушларда механизатор Нурматжон Нозимовнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

---

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 21 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 566,96 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1545,97 |
| 1 Дания кронаси | 137,53 |
| 1 БАА дирхами | 261,46 |
| 1 АҚШ доллари | 960,29 |
| 1 Миср фунти | 209,21 |
| 1 Исландия кронаси | 12,13 |
| 1 Канада доллари | 625,19 |
| 1 Хитой юани | 116,01 |
| 1 Малайзия ринггити | 252,74 |
| 1 Польша злотийси | 251,06 |
| 1 СДР | 1313,59 |
| 1000 Туркия лираси | 0,57 |
| 1 Швейцария франки | 699,77 |
| 1 ЕВРО | 1022,13 |
| 10 Жанубий Корея вони | 8,18 |
| 10 Япония иенаси | 81,25 |
| 1 Россия рубли | 30,18 |
| 1 Украина гривнаси | 180,07 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

---

# Узр сўраш билан иш битмайди-ку?!

### Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари диққатига

Фарзандимиз 16 ёшга тўлиши муносабати билан ўсмирларнинг ҳарбий хизматга лойиқлигини ҳисобга олиш мақсадида туман ҳарбий комиссариати ўрта мактабларда чақирув қоғози тарқатди. Унга кўра, саломатлиги тўғрисида, маҳалладан, мактабдан ва бошқа бир дунё қоғозлар тўплаб олиб келиш тайинланганди. Бу ҳужжатлар орасида боладан флюорографиядан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат ҳам келтириш уқтирилган эди.

Деярли барча қоғозлар муаммосиз тўпланди. Фақат флюорографияга тушиш анча машаққатли кечди. Дастлаб 17 январь куни турар жой бўйича, яъни Мирзо Улуғбек тумани 9-болалар поликлиникасига мурожаат этилди. Поликлиникада бундай махсус амаллар бажарилмаслиги сабаб, тумандаги 7-тубдиспансерга йўлланма беришди. Бу тубдиспансер дегани ҳам бир тупканинг тагида — Тошкент трактор заводи даҳасининг «Солнечный» деган жойида экан. Сўраб-суриштириб, эсон-омон тубдиспансерга етиб олдик. Бино ичига қанчалик хурсанд бўлиб кирган бўлсак, икки дақиқада шунчалик шиддат билан, тарвузимиз қўлтиғимиздан тушган ҳолда орқамизга қайтдик. Бу масалада бизга 7-оилавий поликлиника хизмат кўрсатар экан.

У ердаги флюорография хонасида ишлайдиган опахонларнинг муомаласидан болалар тугул, катталар ҳам бир сесканиб тушади. 9-поликлиникага хизмат кўрсатмаймиз, қаёққа шикоят қилиб борсаларинг бораверинглар, бизга берилган фармойиш шу!

Поликлиникама поликлиника югуравериб, соат ҳам 12 бўлиб қолибди. Ўғлим мактабдан бир кунга жавоб сўраган, унинг устига иш ҳам

Луқма

битмади. Нима қилиш керак? Бизга ўхшаган фарзандлари 16 га кираётган ота-оналарнинг ҳаммаси шунақа сарсон-саргардонмикан? Агар республикамиз фуқароларининг ярмидан кўпини 16 ёшга етмаганлар ташкил этишини ҳисобга олсак, бундай асаббузарликларнинг чеки-чегараси бўлмай қолади-ку? Шу мулоҳазалар билан Мирзо Улуғбек туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Баҳодир Даламуҳамедов билан телефонда боғландим. Эрталабдан бери бўлган саргузаштни гапириб бердим.

— Биз ўсмирларни флюорографиядан ўтказишларини тартибга солиш мақсадида турар жойларга қараб поликлиникаларни бўлиб чиққанмиз, — деди у, — 9-болалар поликлиникаси хизматидан фойдаланувчилар туманимиздаги 20-поликлиникага мурожаат қилишлари лозим.

— Бизнинг бугунги сарсонгарчилигимизни қандай изоҳлайсиз?

— Айб, аввало, 9-болалар поликлиникасида. Улар сизларни чалғитишган. Кейин 7-тубдиспансер ҳам нотўғри маълумот берган. Булар билан мен ўзим «разбор» қиламан. Сиз 20-поликлиникага бораверинг, — дея бош врач мени тинчлантирди.

Бир нарсани сезгандек, йўлга тушишдан олдин поликлиникага қўнғироқ қилдим. Гўшакнинг нариги томонидан овоз эшитилди:

— Вой, биласизми, бизнинг аппарат ишламаяпти, кейинги ҳафтанинг охирида бир хабар олиб кўринг.

Б. Даламуҳамедов бу поликлиниканинг муаммосидан хабардор экан. Менга бу ҳақда айтишни унутибди.

— Сизга телефон қилиб, қаерга боришингиз тўғрисида маълумот беришади, — деди бошлиқ бамайлихотирлик билан, хижолатпазликни ҳам йиғиштириб, гўё шундай бўлиши керакдай.

Менга ғамхўрлик керак эмаслиги, менга ўхшаб ҳақини талаб қилолмайдиганларнинг аҳволи нима кечишини айтиб улгурмасимдан телефондан қисқа «ту-ту» эшитилди.

Орадан чорак соатлар ўтмай, 20-поликлиника бош врачининг ўринбосари, сал кейинроқ туман соғлиқни сақлаш бўлимининг масъул ходими қўнғироқ қилиб, бўлиб ўтган воқеалар юзасидан мендан «узр» сўраган бўлишди.

Кун кетди, асаб бузилди, бола ўқишдан қолди, масала ҳал бўлмади. Агар битта менга тегишли бўлганида индамаслик мумкин эди. Бундай сарсонгарчиликка кўпчилик дучор бўлмоқда-ку. Бу ҳолга мутасаддилар нима дейишади?

**Аброр ХОН.**

---

## «Чўпонота»: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

### ёки маҳалла фаоллари аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг тинчлик ва осойишталигини сақлаш йўлида бирлашсалар, нималарга эришиши мумкинлиги хусусида

Пойтахтимизнинг «Чўпонота» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ҳамид Акбаровнинг хонаси ҳар кеч оқсоқоллар билан гавжум бўлади. Улар муҳим масалаларни, бугун, эрта амалга ошириш лозим бўлган ишлар режасини муҳокама қиладилар. Албатта, бу муҳокамалар силлиқ ўтмайди. Турли баҳслар, мунозаралар бўлади, аммо охирида битта — тўғри қарор қабул қилинади. Чунки, бу ерда ҳамма ўзининг, қўшнисининг, маҳалласининг тақдирига бефарқ эмас.

Маҳалладаги энг обрўли, энг ҳурматли ўттиз оқсоқол фуқаролар йиғини фаоллар кенгаши аъзолари ҳисобланади. Улар орасида Иброҳимжон Искандаров, Сиддиқ Фузаилов, Ҳаким Абдуазимов, Ислом Шоғуломов, Абдураҳим Ортиқов каби олимлар, иқтисодчилар, маданият арбоблари, адабиётчилар, юристлар бор. Улар ишда фуқаролар йиғини имкониятлари нақадар катта эканлигини исботлай олишди. Сўнгги беш йилда «Чўпонота» одамлар кўз ўнгида ўзгарди, обод, файзли маҳаллага айланди.

— Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табригида, маҳалла — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг тенги йўқ ижтимоий институти эканлигини, у меҳнаткаш халқимизнинг минг йиллик анъана ва ҳаётий тажрибаларини ўзида мужассам этганлигини алоҳида таъкидладилар. Мустақилликка эришганимиздан сўнг кўплаб унутилган урф-одатларимиз ва анъаналаримиз қайта тикланди. Бу йилнинг — Обод маҳалла йили деб эълон қилинишида ҳам рамзий маъно бор. У жамиятда фуқаролар йиғини роли ва ўрни ортиб бораётганини билдиради, — дейди Ҳамид ака Акбаров.

Яқингинада 180- мактаб ёнидаги стадион ташландиқ ҳолатда эди. Ўқувчилар дарслардан сўнг кўча чангитиш билан банд бўлардилар. Уларнинг қандайдир экстремистик ёки жиноий гуруҳлар таъсирига тушиб қолмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмасди. Шунинг учун ҳам, фуқаролар йиғини оқсоқолларида шу стадион ўрнида спорт мажмуаси қуриш ғояси туғилди. Оқсоқоллар ташаббусини бутун маҳалла қўллаб-қувватлади. Каттадан кичиккача, ҳамма, ишга киришиб кетди. Кимдир қурилишда ғишт ташиди, кимдир жамғариб қўйган пулининг бир қисмини берди. Майдонга чим ётқизишди, кийиниш-ечиниш хонаси, саунаси бор чўмилиш ҳавзаси, томошабин ўтирадиган жой қуришди. Энди ўқувчилар йилнинг ҳар қайси фаслида футбол ўйнаш имкониятига эга. Катталар ҳам бу ерда бўш вақтини кўнгилли ўтказишлари мумкин. Хоналардан бири тренажёр залига ажратилган. Шаҳардаги ҳар қандай спортклуб шундай зали бўлишини орзу қилиши аниқ.

Ҳозир оқсоқолларда яна бир режа туғилди: улар бир пайтлар «Болалар ижодиёти уйи» бўлган, ҳозир эса қаровсиз ташлаб қўйилган, бузилиш ҳолатида турган бинони таъмирлаб, спорт секцияларини очишмоқчи. Оқсоқоллар бинони фуқаролар йиғини ихтиёрига беришини сўраб, ҳар куни Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлимига боришдан чарчашмаяпти. Лекин ишнинг жойидан силжиши қийин кечаяпти: халқ таълими бўлимидагилар бино ижараси учун каттагина маблағ талаб қилишмоқда, фуқаролар йиғинида эса бунча пул йўқ. Ҳозир бино атрофи ахлатхонага айланган, водопроводдан кечаю кундуз оқиб ётган сув иморат тагжойини захлатиб юбормоқда. Балки туман ҳокимиятида бу масалани ижобий ҳал қиладиган бирорта раҳбар топилиб қолар. Ахир, ҳозир бутун мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти-ку.

Баъзан ҳайрон қоласан, оқсоқоллар бунча кучни қаердан олишаяпти? Албатта, одамларга яхшилик қилиш истаги уларга куч бағишлаётган бўлса, ажабмас. Мана, яна бир мисол. С.Есенин номидаги истироҳат боғи сўнгги йилларда қаровсиз қолди, бу ерда одамлар молларини боқадиган бўлди, айрим ишбилармонлар эса омборлар қуришгача бориб етди. Аммо шу пайтда фуқаролар йиғини ўз сўзини айтди. Ҳашар йўли билан бу ер тозаланди, тартибга келтирилди, баскетбол майдони, теннис корти, мини-футбол стадиони ва болалар майдончасига эга бўлган спорт мажмуаси қурилди. Яқин кунларда бу ерда волейбол майдончаси ҳам қуриб битказилади.

— Қаранг, ёнимизда қанча гаражлар бор. Уларнинг ярми бўш турибди, ярми эса, омборга айланган. Ҳатто уларнинг эгаси кимлиги ҳам номаълум. Бизнингча, касаллик ўчоғига айланаётган бу гаражларда нима борлигини текшириб кўрадиган вақт келди. Умуман, гаражларни бутунлай бу ердан кўчириш лозим. Маҳалламиз фаоллари ўз кучлари билан бу ерда ёпиқ сузиш ҳавзаси қуришга тайёр, — дейди маҳалла йиғини раиси Ҳамид ака Акбаров.

«Чўпонота» маҳалласининг бугунги қиёфага киришида оқсоқоллар ташаббусини доимо қўллаб-қувватлаб турган Шайхонтоҳур туман ва шаҳар ҳокимлигининг хизматини алоҳида таъкидлаш зарур. Маҳалла аҳли ҳозир жар ёқасида бўш ётган ерга «Нуроний» боғини қуришга бел боғлашган. Канал ёқасидаги бу зах жойга фақат боғ қуриш мумкин. Оқсоқоллар бу ҳақда шаҳар меъморчилик ва қурилиш бош бошқармасига расмий хат билан мурожаат қилишган эди, аммо ҳали ижобий жавоб олганларича йўқ. Улар ташаббуслари қўллаб-қувватланишига ишонишади.

Кутилмаганда узоқроқдан ўқ овозлари эшитилди.

— Овоз нариги қирғоқдан келаяпти, — дейди Ҳамид ака. — У ерда тир бор. Яқин атрофда яшовчиларга кечаю кундуз тинчлик йўқ. Илгари бу ерларда қишда ҳам қушлар кўп бўларди. Ҳозир ҳаммаси қўрқиб учиб кетишди. Бизнинг ишимизда ҳам камчиликлар йўқ эмас. Айрим фуқаролар йўлларни ўз ҳовлиларига қўшиб олишган. Натижада машиналар бемалол ҳаракат қила олмаяпти. Ҳатто айрим амалдорлар атрофдагиларнинг фикрлари билан ҳисоблашишни ҳам исташмаяпти. Мачит олдидаги йўл қисми шунчалик қисилиб қолганки, жума номозларидан сўнг машиналар кўчага сиғмай кетаяпти. Ирригация иншоотларини ҳам таъмирлаш лозим. Ёзда «Оқтепа» каналидан келадиган сув баъзан тўхтаб қолади. Бу эса дарахтларнинг қуриб қолишига сабаб бўлаяпти.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла оқсоқоллари ўз режаларини амалга ошириш учун ҳамма нарсага тайёр. Уларнинг мақсади «Чўпонота»ни намунали маҳаллага айлантириш. Бу ерда ўрганса арзийдиган ишлар кўп. Маҳалла аҳли илгари озиқ-овқат учун Фарҳод ва Олой бозорларига қатнаган бўлса, ҳозир «Шофоиз» мини-маркети очилди. Ундан истаган молингизни топишингиз мумкин. Мини-маркет ёнгинасида чойхона жойлашган.

Инсон борки, қувончли ва ташвишли кунлари бўлади. Шундай пайтларда фуқаролар йиғини ҳеч қачон четда турмайди. Ҳозир маҳаллада тўйлар ортиқча сарф-харажатларсиз ўтаяпти. Бирор оилада таъзия бўлса, ҳамма уни ҳам иқтисодий, ҳам маънан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Энг асосийси, ҳеч ким четда қолиб кетмайди, ҳамиша атрофида одамлар, уни йўқлайдиганлар бор эканлигини ҳис қилиб туради.

Маҳаллада қонунбузарликларга қарши қатъий кураш бошланган. Милиция майори Абдуғаппор Қаюмов ва катта лейтенант Шоҳимардон Боймуродов доимо халқ орасида. Улар маҳалла фаоллари билан кўчаларни, турли жиноий гуруҳлар йиғилиши мумкин бўлган жойларни ҳеч қачон назоратларидан қочиришмайди. Шунинг учун ҳам, жиноятчилик анча камайди. Жиноятчиликнинг камайишига сабаб фақат бу эмас. Маҳаллада ёшларни маънавий, маданий ва жисмоний тарбиялашга ҳам катта эътибор қаратилган.

— Каратэ бўйича қора белбоғ соҳиби Ғанишер Шоғуломов ҳақида қанча илиқ гаплар айтсак оз, — дейди Ҳамид ака. — У маҳаллада спортни ривожлантиришга кўп куч сарфлаяпти. Ғанишернинг ташаббуси билан бокс, футбол, волейбол, каратэ секциялари фаолият кўрсатмоқда. У яқин вақт ичида маҳалла болалари учун спорт мактаби очмоқчи.

Фуқаролар йиғини фаолларининг янги ғоя ва режалари кўп. Уларнинг иш тажрибалари шаҳар ҳокимиятининг эътиборида. Эътиборда бўлгани яхши, аммо бу тажриба шаҳар бўйлаб кенг ёйишга ҳам арзийди.

**Абдувоҳид ҲОТАМОВ, «Народное слово» мухбири.**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – амалда



# Изланиш ва интилиш

Хонадаги жавонга териб қўйилган адабиётлар эътиборимизни тортди. Улардан бири "Лотин тили ва тиббиёт терминологияси", бошқаси "Тиббиётда менежмент ва маркетинг" деб номланади. Иккаласи ҳам 2002 йилда чоп этилган, тиббиёт ўқув юртлари талабалари учун қўлланма. Бу Самарқанд тиббиёт коллежида янги таълим стандартлари асосида дарсликларнинг янги авлодини яратиш борасида қилинган ишлардан намуна. Улар педагогик жамоанинг изланиши, янгиликка интилиши натижаси.

Вилоятда тиббиёт тизимида тўртта ўрта махсус ўқув муассасаси мавжуд. Мазкур коллеж эса уларнинг энг салоҳиятлиси. Дастлаб акушерлик мактаби, сўнгра тиббиёт билим юрти номи билан фаолият кўрсатган бу таълим масканининг 82 йиллик тарихи бор. Не-не таниқли олимлару шифокорлар томонидан берилган таълим бу ерда касб пойдевори бўлиб хизмат қилаяпти. Айни пайтда коллеж вилоят тиббиёт тизимидаги бошқа ўқув юртларига услубий тажрибаси билан кўмак берувчи етакчи масканга айланган. Шунинг ўзи ҳам бу ерда давр талаблари даражасида иш олиб борилаётганидан далолат беради.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, мазкур таълим маскани республика тиббиёт коллежлари ўртасида давлат таълим стандартлари ўқув режа ва дастурларини синовдан ўтказиш тажриба-синов даргоҳи, деб белгиланган. 1999-2001 йиллар давомида ишлаб чиқилган ўқув дастурлари коллеж педагогик жамоаси томонидан амалиётда қўлланилди.

— Маълумки, ўрта махсус билим юртларига аввал ўрта маълумотли ўқувчиларни қабул қилиш борасида чеклашлар мавжуд эди, — дейди коллеж директори, тиббиёт фанлари номзоди Яхшинор Аллаёров. — Бу эса ўз-ўзидан 11-синфни битирган ёшларнинг таълим олишни давом эттириши, касб-ҳунар ўрганиши борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Ана шу муаммони бартараф этиш мақсадида коллежларда тўлов-контракт тизимида ўқитишни йўлга қўйишга рухсат берилди. Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, педагогик ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда унинг аҳамияти катта бўлди. Шу боис дастлаб ўқув биномизни кенгайтирдик. Талабалар ўрни 900 ўриндан 1500 ўринга етказилди. Мутахассислик бўйича дарс берадиган ўқитувчиларимизнинг барчаси Самарқанд тиббиёт институтида, умумтаълим фанлари ўқитувчилари эса Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида малака оширишди. Улар Давлат тест маркази қошидаги педагогик кадрлар сифатини аттестация қилиш ва аккредитация комиссияси томонидан аттестациядан ўтказилди.

Кўриниб турибдики коллежда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Эндиликда эса бу фаолиятнинг давомийлигини таъминлашга ҳаракат қилиняпти.

Педагогик жамоанинг фаоллиги белгиланган вазифаларнинг сидқидилдан бажарилишига хизмат қилмоқда.

Коллеж жамоасининг хорижга чиқаётганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Акушерлик йўналиши бўйича ўқитишни ташкил этишда Американинг Балтимор штатидаги Жон Хобкенс университети қошидаги "Жапайго" корпорацияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Корпорациянинг Марказий Осиё республикалари бўйича дастури координаторлари кўмагида 7 нафар мутахассис коллежнинг ўзида ўқитилиб, малакаси оширилди. Ўқитувчилардан Муҳиддин Болиев ва Дилбар Аъзамова "Устоз" жамғармаси ҳисобидан Канадада бўлиб, янги технологияларни ўрганиб қайтишди. Бир гуруҳ ўқитувчилар Корея Республикаси ажратган грант эвазига мазкур мамлакатда бўлиб, ёшларга касб-ҳунар ўргатишнинг корейча усулларини ўзлаштирдилар.

Миллий дастурнинг иккинчи босқичида таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагогик кадрлар билан тўлдириш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитнинг вужудга келтирилиши бош вазифалардан бири қилиб қўйилган. Ана шундай жиддий вазифалар педагогик жамоа зиммасига юксак масъулият юклаяпти. Коллежда малакали кадрлар масаласи ҳал этилган. 137 нафар ўқитувчининг 40 дан ортиғи олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар. Уларнинг 7 нафари фан номзоди. Амалиёт дарслари асосан ўқув базалари — касалхона ва поликлиникаларда ўтиляпти. Табиийки, бу катта имкониятлар эзгу мақсад йўлидаги изланиш ва интилишлар келгусида янада самарали бўлиши учун ишончли кафолатдир.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ
(НАРА 4216, 2816)
ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.
Тўлов шакли турлича.
НАРА ТМ
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

## «Ал-Жазира» ва «Би-би-си» ҳамкорлиги

**2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг кўпчиликка танилган Қатарнинг «Ал-Жазира» телеканали билан «Би-би-си» корпорацияси ўртасида ҳамкорликда ахборот узатиш**




**тўғрисида шартнома тузилди. Мазкур келишувга биноан, иккала томон бир-бирига турли хил хизмат кўрсатади. Ҳозирда «Ал-Жазира» Яқин Шарқдаги энг оммабоп телевизион тармоқлардан бири ҳисобланади.**

## Жарроҳ-робот

**Сингапурлик олимлар инсон мияси ичида пайдо бўладиган турли шишларни операция қиладиган**



**робот яратишди. Илгари шунга ўхшаш операциялар ўртача тўққиз соат давомида амалга ошириларди. «Гексопад» номли жарроҳ-робот ёрдамида эса бундай операциялар вақтини икки баробар камайтириш имкони туғилди, деб хабар беради «Лента ру».**

## Олдинга силжиш бор

**БМТнинг Қуролсизланиш, назорат ва инспекциялар бўйича комиссияси раҳбари Ханс Бликс ҳамда МАГАТЭ раҳбари Муҳаммад ал Барадеи Ироқ ҳукумати билан Бағдодда музокаралар ўтказишди. Икки соатлик суҳбатдан сўнг Барадеи журналистларга музокараларда бирмунча олдинга силжиш бўлганлигини маълум қилди.**

**Унинг айтишича, музокаралар яна давом эттирилади. Бу ҳақда «Newspy» хабар берган.**

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

# Қуролланиш — хавфсизликка таҳдид

Шимолий Кореяда иқтисодий аҳвол оғирлиги, халқнинг оч-юпун яшаетгани ҳеч кимга сир эмас. Халқаро ҳамжамият бу мамлакатга, бир неча йилдирки, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келмоқда. Бу ёрдам КХДРдаги сиёсий вазиятни ҳам барқарорлаштириб турибди. Чунки, кўмак бутунлай тўхтаб қолгудек бўлса, халқ норозилик билдириб, намойишлар қилиши, ҳукумат олдига истеъфога чиқиш талабини қўйиши ҳам ҳеч гап эмас.

Хуллас, мамлакатда вазият шундай ҳам оғир бўлиб турган бир пайтда расмий Пхеньян "Ядровий қуролларни тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома"дан чиқишини эълон қилди. Бу бир томонлама қарор кишига "Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига", деган мақолни эслатади. Зеро, ҳукуматнинг ўйламай ташланган ушбу қадами мамлакатда вазиятнинг кескинлашишига хизмат қилади, холос. Бундан ташқари, жаҳон ҳамжамияти, айниқса, Тинч океани ҳавзасидаги давлатлар ҳам бу қарордан ташвишга тушмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан КХДР танлаган "йўл"ни дунё тинчлиги ва хавфсизлигига "жиддий таҳдид" деб баҳолади. У ўз вакили Морис Стронгни Пхеньянга жўнатди. "М. Стронг асосан ҳозирги қийин вазиятда аҳоли озиқ-овқат билан қандай таъминланаётганини ўрганади", — деди у вакилининг сафари мақсадига тўхталиб. "Биз, Шимолий Кореянинг ҳозирги тутган йўли туфайли, унга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда қатор қийинчиликларга дуч келаяпмиз", дея гапини тугатди бош котиб.

Хабарларга қараганда, М. Стронг мамлакат ташқи ишлар вазири ўринбосари Цой Су Хон билан учрашган. У суҳбат чоғида КХДР тутган йўлдан донор мамлакатлар норози эканлигини билдирган. Агар, Пхеньян ўз сиёсатини ўзгартирмаса, инсонпарварлик ёрдами ҳам камайиб кетиши мумкин. Чунки, донор мамлакатлар ҳозирча озиқ-овқат етказиб беришга унчалик шошилмаяпти.

— 2003 йилда Шимолий Кореяга 512 минг тонна озиқ-овқат ёрдами зарур бўлади, — деди Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури ваколатхонаси бошлиғи Ричард Корсино. — Ҳозир эса БОД ҳисобида Европа Иттифоқидан жўнатилган 75 минг тонни озиқ-овқат бор, холос.

АҚШ Ироқда оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқарилишига йўл қўймаслик учун саъй-ҳаракатлар қилаётган пайтда, КХДРнинг "қилиғи" Оқ уй учун дард устига чипқон бўлди. Шунинг учун ҳам, Вашингтон Пхеньяннинг йўлини "хатарли қадам", деб баҳолади.

Шимолий Корея матбуотининг хабарларига қараганда, уларнинг атом реакторлари ядро қуроли яратишга эмас, электр энергияси ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Бу ҳақда "Нодон синмун" газетаси хабар берган.

КХДР Олий халқ мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг газетаси "Мингжу Часон"да ёзилишича, ташқаридан босим кучаяверса, Пхеньян "Ядровий қуролларни тарқатмаслик шартномаси"дан чиқишдан ҳам қатъийроқ чоралар кўришга мажбур бўлади. Аммо газета бу чоралар нималардан иборат эканлигини ёзмаган. Мутахассислар ушбу "чоралар" баллистик ракеталар синовини қайтадан бошлаш бўлса керак, деган тахминларни билдирмоқдалар. Маълумки, Шимолий Корея 1998 йилнинг августида "Тепходон" ракетасини синаб кўрган эди. Ўшанда ракета Япон ороллари устидан учиб ўтиб, Тинч океанига тушганди.

Россия ФА Жаҳон иқтисоди ва халқаро алоқалар институтининг етакчи илмий ходими Владимир Белоуснинг фикрича, КХДРнинг ядровий ва ракета дастурлари Осиё-Тинч океани минтақасидаги кучлар нисбатини ўзгартира олмайди. Бугун Пхеньян икки-учта ядро заряди яратишга етадиган плутонийга эга. Бундан ташқари, Шимолий Кореянинг ракета қуроллари шўроларнинг ўтган аср 60 йилларидаги СКАД ракеталари асосида яратилган ва улар 300 километрдан узоқ масофага уча олмайди.

Россия ҳукумати ҳам махсус вакили — ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Александр Лосюковни Пхеньянга жўнатди. МАГАТЭ бош директори Муҳаммад ал-Барадеининг айтишича, "Россия Пхеньян ва жаҳон ҳамжамияти ўртасида воситачилик қилишда муҳим роль ўйнаши мумкин".

Нима бўлганда ҳам, Шимолий Корея атрофидаги гаплар бугун авжига чиқмоқда. Бизнинг мамлакатимиз барча можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, оммавий қирғин қуролларининг тарқалмаслиги тарафдори. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мўътабар минбарлардан туриб, бир неча бор гапирган эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қурол-яроғ пойгаси, айниқса, оммавий қирғин қуролларига эга бўлиш ҳеч қачон шу мамлакат хавфсизлигига кафолат бўла олмайди. Буни асло унутмаслик лозим.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## Жиноят фош этилди

**Қозон шаҳрида «Татаристон ёшлари» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Дмитрий Шалаев ўлдирилиши билан боғлиқ жиноят очилди. Шаҳар ИИБ матбуот хизмати вакилларининг хабар беришича, ўтган шанба куни республикада жиноятга даҳлдор икки нафар ёш йигит ҳибсга олинган. Текширув давомида, Шалаевнинг ўлдирилиши ёшлар томонидан уюштирилган безорилик оқибати эканлиги аниқланган. Мазкур жиноят ҳақидаги тўлиқ маълумот қидирув ишлари давом эттирилаётганлиги сабабли берилмаган.**




ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА!

GSM

ЭЛЕКТРОН ПОЧТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ЖЎНАТИШ

ВЕБСАЙТДАН ХАБАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

ЛОГОТИП, РАСМ, МУСИҚАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

ҲИСОБ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ОЛИШ

ТЎЛОВЛАР МИҚДОРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ОЛИШ

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА ШАҲАРЛАРАРО ҚЎНҒИРОҚЛАРНИНГ НАРХИ 40% ГА АРЗОНЛАШТИРИЛДИ!




SMS — (ҚИСҚА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ)
VMS — (ОВОЗЛИ МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ)

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ
(Тарифлар 20% қўшимча қиймат солиғи билан АҚШ долларида кўрсатилган), 2002 йил 1 ноябрдан бошлаб амал қилади.

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови (АҚШ долларида) | Кириш алоқаси баҳоси (АҚШ долларида) | Чиқиш алоқаси баҳоси (АҚШ долларида) |
|---|---|---|---|
| Эксклюзив | 2,0 | 0.08 | 0.10 |
| Престиж | 125,0 | Бепул | |

Илова:
«Уздунробита» ҚК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.

БЕПУЛ УЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

UZDUNROBITA
first cellular

Кечаю - кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09
"Уздунробита" ҚК телефонларидан - 611.

Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй ("Лабзак").
www.uzdunrobita.uz

УзАСИ АА №0000104

Спорт, спорт, спорт

*Юртимиз боксчилари қўлга киритган ва киритаётган ютуқлари жаҳон аҳлини лол қолдирмоқда. Бокс бўйича ташкил этилган ҳар қандай турнирда иштирок этган ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари медалли бўлиши табиий ҳолга айланиб қолди. Осиёда тенгсиз жамоага айланганимиз ҳам бежиз эмас. Табиийки, бундай муваффақиятларнинг замирида нафақат боксчиларимизнинг иқтидори, балки мураббийларнинг машаққатли меҳнатлари ётибди. Ғалабани қўлга киритишда мураббийнинг шогирдига берган кўрсатмалари муҳим ўрин эгаллайди. Тажрибали мураббий рақибга қараб тактика танлайди, дейишади. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Марс Қўчқоров ана шундай мураббийлар сирасига киради. Ўзбекистонда ҳеч қайси мураббий шогирдларининг қўлга киритган ютуқлари билан унга бас келолмайди. Олимпиада чемпиони, Жаҳон чемпиони, Осиё чемпиони...*



# Чемпионлар устози

Хўш, бу ютуқларнинг "сири" нимада? Дарахт бир жойда кўкаради, деган мақол бор. Марс Қўчқоровнинг муваффақиятлари гаровини ҳам ана шу бир жойда "кўкаришда" кўриш мумкин. 1982 йилдан ҳозирги Андижон олимпия коллежида иш бошлаган мураббий, 20 йилдан ошибдики, фақат шу даргоҳда ёшларга бокс сирларини ўргатиб келмоқда. Боксда ўзи эришолмаган ғалабаларни шогирдларида кўришни истаган мураббий иш бошлаганининг бешинчи йилида ниятига етди. 1987 йили Кутаисида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги собиқ иттифоқ чемпионатида шогирди Акром Раҳимов шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олиши Марс акани худди ўзи чемпион бўлгандек суюнтирди. Орадан бир йил ўтиб яна бир шогирдининг Донецкда ўтказилган чемпионатда кумуш медаль билан тақдирланиши қаҳрамонимизни янада руҳлантириб юборди.

Давлатимизнинг мустақилликка эришиши, том маънода Марс Қўчқоровга омад эшикларини очиб берди. Унинг шогирдлари халқаро майдонларда бирин-кетин қўлга киритган ютуқлари орқали "Андижон бокс мактаби" деган тушунчани келтириб чиқарди. Ўзи эса халқаро тоифадаги ҳакам даражасигача эришди. Марс Қўчқоров қўл остида андижонлик чарм қўлқоп усталарининг ғалабалари сирини билишга ҳаттоки хорижлик мутахассислар ҳам қизиқиб қолдилар.

Биз ҳам бу "сир"ни сўраганимизда, Марс ака оддий қилиб, "Меҳнат ва интизомда" дея жавоб берди. У киши билан суҳбатлашганимда, муваффақиятининг яна бир қиррасини очгандай бўлдим. Жамоадаги мураббийларнинг ҳамфикр бўлиб иш олиб бориши ютуқларнинг яна бир калити эканлиги ойдинлашди. Мисол учун, Валентин Золотарёвми, Александр Размаховми ёки бўлмаса ёш мураббий Алишер Абдуллаев машғулотларга масъул бўлса, қолганлари унга ёрдам берди. Бундай бир тану бир жон бўлиб ишлаш, шогирдларига ҳам юққан.

— Марс ака машғулотларда бизга ўта талабчан бўлса-да, бошқа пайтда ўз болаларидай илиқ муносабатда бўлади, — дейди Жаҳон ва Осиё чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров. — Қаттиққўлликлари сабабли бугун барчамиз муваффақиятларга эришиб турибмиз. Яхши боғбоннинг дарахти ҳосил беради. Вақтида сув қуяди, вақтида бачки шохларни кесиб ташлайди. Марс акани қайсидир маънода боғбонга ўхшатаман. У машғулотларда ортиқча ҳаракат қилмаслигимизни бот-бот такрорлайди.

— Бирон-бир мусобақада муваффақиятсизликка учрасам, жаҳлим чиқиб кетади. Шу пайтда устозим менга ҳеч нарса демайди. Пайти келганда, камчиликларимни бирма-бир айтиб беради, — дейди Кубада ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати олтин медаль соҳиби Баҳодир Султонов. — Бу жиҳатдан уни кучли психолог ҳам дейиш мумкин. Марс ака билан шогирдларининг барчаси нафақат мураббий, балки ота сифатида ҳам маслаҳатлашиши ҳар қандай бокс мусобақаларида руҳий мадад бўла олади.

Мана, Марс Қўчқоровнинг шогирдлари билан дунёни забт этгани сири нимада эканлиги. Боксчиларга фақат рингдаги "жанг"ни эмас, балки оталарча тарбия берган мураббийнинг бундан кейин ҳам юқорироқ чўққиларни эгаллашига шак-шубҳа йўқ.

**СУРАТДА: истеъдодли мураббий Марс Қўчқоров (ўртада) шогирдлари — машҳур боксчилар Муҳаммадқодир Абдуллаев (ўнгда) ва Ўткирбек Ҳайдаров (чапда) билан.**

Хушхабар

## Бир раунд кифоя қилди

**18 январь юртимиз спортчилари учун омадли кун бўлди. Бу омадни «ринг қироли» Артур Григорян бошлаб берди. У Германиянинг Эссен шаҳрида чемпионлик камарини 18-бор ҳимоя қилди. Шу ўринда, эслатиб ўтамиз, Артур шанба кунги баҳсига қадар 35 бор рингга чиқиб, барчасида ғалабага эришган эди. Унинг бу галги польшалик рақиби Мет Зиген ҳам мағлубият нималигини билмасдан келаётган эди: 25 «жанг», — 25 ғалаба.**

**Ташаббусни биринчи раунддаёқ қўлга олган ҳамюртимиз беллашувнинг то 8 раундигача рақибини кўз очиришга қўймади. Фақаттина Мет Зиген 9-10 раундларда бироз жонланди. Бироқ унга Артурдан чемпионлик камарини тортиб олиш насиб этмади.**

**Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам бу пайтда олис Австралия қитъасининг Мельбурн шаҳрида рингга чиққан эди. У биринчи бор 12 раундли баҳс ўтказган бўлса-да, лекин Артурга ўхшаб жангини охиригача чўзиб ўтирмади. IBF йўналиши бўйича собиқ жаҳон чемпиони Филип Холидей Муҳаммадқодирга рингда 1 раунд ҳам чидаш беролмади. Оғир вазнли боксчимиз Руслан Чагаев ҳам ҳамшаҳридан қолишмаслигини кўрсатиб, рақибини 6 раундда таслим қилди. Боксчиларимизнинг шу кунги рингдаги зафарли одимларини футболчиларимиз майдонда давом эттиришди.**

## «Манчестер» бўпкет-е!

МДҲ чемпионлари кубогида иштирок этаётган «Пахтакор» «ким аслида ким» эканлигини ҳақиқий баҳсда кўрсатиб қўйди. Хабарингиз бор, Дубайдаги ўртоқлик учрашувида пахтакорчилар бир гуруҳдан ўрин олган Украина чемпиони «Шахтёр»га 2:3 ҳисобида имкониятни бой берганди. Орадан икки ҳафта ўтиб, улар энди Москвада учрашишди.

Виктор Жалилов шогирдлари Нигерия ва Украина терма жамоа аъзоларидан иборат Донецкнинг «Шахтёр» клубини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Кубок учун асосий даъвогар деб қаралаётган Украина чемпиони бош мураббийи Валерий Ерёмченко Москвадаги ўйинларга иккинчи таркиб билан келганлигини ўз интервьюларида айтиб ўтганди. Лекин мураббийнинг гапи «Пахтакор» билан баҳсда ўз тасдиғини топмади. Нигерия терма жамоасининг асосий ҳужумчиси Жулиос Агахова, Украинанинг 2002 йилдаги «Энг яхши футболчиси» Тимошук ва «Шахтёр»нинг асосий ҳужумчиси Андрей Воробейларнинг майдонга тушиши, кончилар МДҲ чемпионлари кубогига асосий таркиб билан келганлигини кўрсатиб қўйди.

Европанинг номдор жамоасига айланиб бораётган «Шахтёр»га «Пахтакор» «европача» сабоқ берди. Бутун ўйин давомида дарвозамизга хавф солган украиналикларни барча ҳужумларига чемпионимиз учрашувнинг сўнгги дақиқаларида муносиб тарзда жавоб қайтарди. Аввалига майдонга тушган ёш иқтидор эгаси Марат Бикмаев «Шахтёр» ҳимоячиларининг хатосидан фойдаланиб, 90 дақиқада ҳисобни очган бўлса, ҳакам томонилан қўшиб берилган вақтдан севимли футболчимиз Миржалол Қосимов ўзининг нуқтаси — жарима тўпидан кончилар дарвозабонини ожиз қолдирди. Сўнгги дақиқаларда ғалабани тортиб оладиган Англиянинг суперклуби «Манчестер Юнайтед»га ўхшаб «Пахтакор» ҳам дурангга рози бўлмаётган Валерий Ерёмченко шогирдларини майдондан бош эгиб чиқиб кетишга мажбур қилишди.

## Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Ўтган 2002 йил давомида халқаро мусобақаларда спортчиларимиз эришган ютуқлар барчамизни бирдек қувонтиради. Юртимиз спортчилари 158 та халқаро беллашувда иштирок этиб, 241 та олтин, яна шунча бронза ва 219 та кумуш (жами 701) медалларини қўлга киритдилар. Бир йилнинг ўзида дунё миқёсидаги беллашувларда 241 бор мадҳиямиз янграганидан, байроғимиз 701 бор сарбаланд бўлганидан ҳар қанча ифтихор қилсак арзийди.

Айни пайтда бу муваффақиятлар барчамизнинг зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Аввало, эришилган натижалар биз учун охирги марра эмас. 2003 йил Ўзбекистон спортчилари учун яна ҳам масъулиятли давр ҳисобланади. Шу муносабат билан 18 январда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида спорт мутасаддилари ва журналистлар ўртасида йиғилиш бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсупов очар экан, аввало, Президентимиз томонидан «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармон юртимизда спорт соҳасида бундан кейин ҳам ютуқларни қўлга киритиш учун улуғ қадам эканлигини таъкидлади.

— Биз 60 дан ортиқ мамлакатларнинг спорт структураларини ўрганиб чиқдик, — дейди Комилжон Юсупов. — Лекин уларда спортга берилаётган эътибор бизнинг давлатимиз бераётган даражада эмас. Спортни бугунги кунда янада ривожлантиришда ОАВ ҳиссаси катта. Спортчиларимиз етиб боролмаган жойга, журналистларимиз кириб боради. Бугунги учрашувни ташкил этишдан мақсад ҳам спортнинг оммавийлигини янада оширишдир, деди раис. Шундан сўнг журналистлар ўзларини қизиқтирган саволлари билан спорт мутасаддиларига мурожаат қилдилар.

Йиғилишда, шунингдек, янги жамғарманинг фаолиятига алоҳида тўхтаб ўтилди. Кейин Афинада ўтадиган Олимпиада ўйинларига спортчиларимиз нечта йўлланмани қўлга киритиши мумкинлиги тўғрисида сўз борди. Федерация раҳбарлари, 2004 йил Афинада бўлиб ўтадиган олимпиадада иштирок этиши учун спортнинг барча турларида йўлланма эгаси бўлишга ҳаракат қилажакларини айтдилар. Ҳозирда бу ишга жиддий киришилган. Шунингдек, спортнинг волейбол, баскетбол ва қўл тўпи турларини янада ривожлантиришга келишиб олинди. Бу спорт турларини янада такомиллаштириш учун ташкилотлар оталиққа олаётганлиги қайд этилди.

Йиғилишда энг асосий масала — спорт, спортчилар, спорт раҳбарлари ва журналистлар ўрасида доимий ҳамкорликка келишиб олинди.

**Спорт материалларини «Халқ сўзи» мухбири Дилмурод ПАРПИЕВ тайёрлади.**

Китоблар оламида

# БЕБАҲО ХАЗИНА

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ташаббуси билан "Бебаҳо хазина" деб номланган мўъжазгина китобча босмадан чиқди. У энг нодир, энг ноёб илмлар хазинаси ҳақида.*

Машҳур шарқшунос олим, академик М.Хайруллаев таҳрири остида эълон қилинган Қувомиддин Муниров қаламига мансуб бўлган "Бебаҳо хазина" асари халқимизни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти хазинасидаги қадимий қўлёзма китоблар билан таништириш борасидаги хайрли ишлардан бўлиб, унда бизга ҳали маълум бўлмаган жуда кўп янги манбалар ҳақида маълумотлар борки, улар нафақат олиму мутахассислар, балки китобхонлар учун ҳам фойдалидир.



— Хазинада турган қўлёзмалардан бири куфий хати билан ёзилган Қуръони каримнинг қадимий ва табаррук нусхасидир, — деб ёзади муаллиф. — Манбашунос олимларнинг таъкидлашича, у IX асрда кўчирилган. Қуръони каримнинг яна бир қўлёзма нусхаси бадиий безагининг юксаклиги билан диққатга сазовордир. Матн бошидан охиригача тилла суви тортилган қатор устига ниҳоятда гўзал насх хатида кўчириб ёзилган. Қоғозига ипак аралаштирилган бўлиб, муқоваси лак-бўёқли нафис гуллар билан безатилганлиги кишини ҳайратга солади.

Қуръони каримдан кейинги мўътабар манба Имом ал-Бухорийнинг "ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" ("Ишончли тўплам") асарининг турли асрларда кўчирилган нусхалари, Калом илмининг асосчиларидан ҳисобланган Абу Мансур ал-Мотуридийнинг бизгача етиб келган "Таъвилот аҳл ас сунна" ва "Китоб ат тавҳид" асарларининг биттадан нусхалари, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг "ал-Ҳидоя" номли асарининг бир неча қўлёзма нусхалари, шунингдек, Абу Али ибн Сино, Фирдавсий, Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғуний, Маҳмуд Қошғарий, аз-Замахшарий, Низомий Ганжавий, Умар Ҳайём, Саъдий, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Рабғузий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Мирзо Абдулқодир Бедил ва бошқа юз-юзлаб шоиру адибларнинг қўлёзма девонлари, "Хамса"лари ушбу хазинадан муносиб жой олганлиги унинг дунёдаги йирик илмий-тадқиқот марказларидан бири эканлигини кўрсатувчи ёрқин мисолдир.

Муаллиф юқорида айтиб ўтилган алломалару шоирларнинг қайси асарлари қўлёзмалари хазинада сақланаётганлиги, улар кимлар томонидан кўчирилганидан тортиб, қайси мусаввирлар миниатюралари билан безатилганигача тўлиқ маълумот бериб, ишончли манбалардан қизиқарли мисоллар келтиради. Бу эса ўқувчининг қўлёзмалар хазинасидаги асарлар тўғрисида кўп ва хўп билишига имкон беради. Шунингдек, хазинада ҳинд, араб, форс адабиёти ва аниқ фанлар тарихига доир қўлёзмалар борлиги билан ҳам танишиб, буларнинг ичида ўзбек адабиёти тарихига оид қўлёзма асарлар алоҳида аҳамият касб этиши билан ажралиб туришидан беҳад суюнасан киши.

Китобча муаллифи Қ.Муниров Ўрта Осиё тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи асарларга ҳам тўхталиб, эътиборингизни келтирилган мисолларга қаратади. Булар: Фазлулло ибн Рузбехоннинг "Бухоро меҳмонномаси", Биноийнинг "Шайбонийнома", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланома", Саййид Роқимнинг "Тарихи Роқимий", Абдулғозихоннинг "Шажараи турк" ва "Шажараи тарокима", Муҳаммад Амин Бухорийнинг "Убайдулланома", Шермуҳаммад Муниснинг "Фирдавс ал-иқбол" ("Иқбол боғи"), Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг "Риёз ад-давла" ("Давлат боғи") сингари қатор асарлардир. Бундай мисолларни тарихий воқеаларни, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, маданий ва дипломатик муносабатлар тарихини ўрганишга бағишланган асарлар бўйича ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Асарнинг қиммати ҳақида гап кетганда, энг аввало, шуни айтиш керакки, муаллиф Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтидаги қўлёзма асарлар хазинаси ҳақида батафсил ҳикоя қилишга ҳаракат қилган. Иккинчидан, у ўқувчиларни бебаҳо илмий-тадқиқот марказида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самаралари билан таништиришга интилган. Шу билан бирга ўз рисоласининг қизиқарли ва ўқимишли бўлиши учун қўлёзма асарларга оид бой маълумотлардан оқилона фойдаланган. Шунингдек, буюк алломалар асарига ишланган безак ва миниатюралар ҳамда турли ёзувларнинг рангли суратларда берилиши ҳам рисолага ўзига хос улуғворлик бағишлаб турибди. Ушбу рисолани ўқиган киши эса халқимизнинг шундай бебаҳо илм хазинаси борлигидан бениҳоя хурсанд бўлиши ва бу билан фахрланиши, шак-шубҳасиздир.

**Нуриддин ОЧИЛОВ.**

## «Ҳимоя»нинг савоб ишлари

"Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан Навоий вилоятида "Ҳимоя" ижтимоий хайрия жамғармаси ташкил этилган эди. Унинг ранг-баранг тадбирлари кўпчилик эътиборини тортди.

— Бош мақсадимиз фақат савоб ишларга бош қўшишдир, — дейди жамғарма раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Акбар Ҳусаинов, — кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш, муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, беморларнинг уйларига дори-дармонлар етказиб бериш каби хайрияларнинг давомийлиги таъминланяпти. Ўнлаб ташкилот, корхоналарнинг кўмаги туфайли қувватимиз ошиб бормоқда. Келажакда муҳтож инсонларга уй-жой қуриб беришни ҳам зиммамизга олмоқчимиз. Токи, боқий миллий қадриятларимиз авлодлар оша давом этаверсин...

**А. ПИРМАТОВ.**

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 71, 33553 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — У. ФАЙЗИЕВА.
Навбатчи — Р. ЁРЛАҚАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.50
1 2 3 4 5 6

КОМПАНИЯ ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА !
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИАА
«ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» АГЕНТЛИГИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
ЛОКАЛ ҲИСОБЛАШ ТАРМОҒИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2003 йил 6 март Тошкент вақти билан соат 17.00гача.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси.
Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

Ҳамма юридик ва жисмоний шахслар диққатига!
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 10 октябрь 342-сонли қарорига асосан
«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ РЕСПУБЛИКА МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.
Марказ 2002 йил 1 декабрдан иш фаолиятини бошлаган бўлиб, 2003 йилда ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартномалар тузади.
Шартномалар тузиб, жадвалларни тасдиқлаш муддати 2003 йил 1 февралгача.
Маълумот учун телефонлар: 46-38-58, 49-35-07.

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қават, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази жамоаси марказ раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимовга онаси
**Ҳадича ая РУСТАМОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси «Мозий» гуруҳи раҳбари Шарофиддин Муродовга падари бузруквори
**Тожиддин МУРОДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси «Макроиқтисодиёт» кафедраси доценти Маҳмуд Илҳомовга волидаи муҳтарамаси
**Шамши ая ИЛҲОМОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси институтнинг «Жиноят ҳуқуқи» кафедраси доценти Пўлат Бакуновга падари бузруквори
**Бинали отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Иқтисодий билимлар тарқатиш» маркази бошлиғи Ирисбек Иватовга акаси
**Талъат ИВАТОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.